

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

15-сон  
(1087)  
2023 йил  
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

118. «Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-828-сон Қонуни
119. «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари хамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

120. «2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чо-

ра-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги ПФ-51-сон Фармони

121. «Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-117-сон қарори
122. «Ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПҚ-118-сон қарори
123. «Қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 апрелдаги ПҚ-121-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

124. «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш тартибини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 апрелдаги 152-сон қарори

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**118 Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 марта  
маъқулланган

Мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, аҳолининг таълим олиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, шунингдек кредитлар олиш имкониятини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган истеъмол товарларини (хизматларни) сотиб олиш учун молиявий истеъмол кредити бериш тўғрисидаги талабнинг мавжудлиги аҳоли учун нокулайлик туғдирмоқда ҳамда товарларни (хизматларни) кредит маблағлари хисобидан сотиб олиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Ушбу Қонун билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жисмоний ва юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаб чиқарилган товарлар (хизматлар) учун молиявий истеъмол кредитлари бериш имкониятини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун молиявий истеъмол кредити бериш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек мамлакатимиз аҳолисининг таълим олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майда қабул қилинган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги ЎРҚ-33-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 5, 216-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда) **15-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланишда шартнома товарни (хиз-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 апрелда эълон қилинган.

матни) истеъмолчи томонидан сотиб олишга доир шартнома кучга киргунига қадар ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин.

Молиявий истеъмол кредити бериш истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчининг ёки реализация қилувчи субъектнинг (юридик ва жисмоний шахснинг) банқдаги хисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Молиявий истеъмол кредитининг нақд пулда берилишига йўл қўйилмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочи-ларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 апрель,  
ЎРҚ-828-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

**119 Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
23 марта қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда  
маъқулланган

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазийқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга, болалар орасида назоратсизликнинг ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, шунингдек ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиной қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермайди, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларо комиссиясининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идораларо комиссияларининг фаолияти ислоҳ этилиб, улар тегишинча Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси қонунларига хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишида қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириши назарда тутувчи,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 апрелда эълон қилинган.

шунингдек болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўювчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик хамда зўравонликнинг олдини олишга, оиласадаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга, болалар ва хотин-қизлар ҳукуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қиласди, шунингдек Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда) **8-моддасининг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралариро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласадарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, таълим муассасаларининг, қишлоқ врачлик пунктларининг» деган сўзлар «маҳалла хотин-қизлар фаоли, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари, таълим

муассасаларининг, оилавий врачлик пунктларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 17-модданинг:**

**иккинчи қисми** «119» рақамидан кейин «-моддалари, 126<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда байён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 122, 123, 125<sup>1</sup>-моддаларида, 126<sup>1</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 127, 127<sup>1</sup>, 128<sup>1</sup>, 144, 146, 193 — 195, 205 — 210, 225, 226, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар»;

**2) 58-модда иккинчи қисмининг «б» банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қўйидагилар билан:

жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш билан;

ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш билан;

вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фохишахоналарни ташкил этиш ёки сақлаш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишида фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди»;

**3) 66<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «121-моддасининг биринчи қисмida (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмida (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш)» деган сўзлар «121-моддасининг биринчи қисмida (шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмida (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 126<sup>1</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида (оилавий (маиший) зўравонлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 73-модда тўртинчи қисмининг «г» банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдиранлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама

қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фохишахоналарни ташкил этганлик ёки сақлаганлик, Ўзбекистон Республикасига, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик, ядрорий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, контрабанда қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланимайди»;

5) **87-модданинг биринчи қисмидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияда» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

6) **104-модда биринчи қисмининг диспозицияси «ва ушбу Кодекснинг 126<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;**

7) **105-модда биринчи қисмининг диспозицияси «ушбу Кодекснинг 126<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;**

8) **109-модда иккинчи қисмининг диспозицияси «ушбу Кодекснинг 126<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;**

9) **110-модда биринчи қисмининг диспозицияси «104, 105-моддадарида» деган сўзлардан кейин «126<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;**

10) **115-модданинг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади»;

11) **118-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Номусга тегиши, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиши:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
- б) тақроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 119, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гурух шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб;
- д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Номусга тегиш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошга, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;

г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;

д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; —

е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

12) **119-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни файритабиий усуlda қондириш, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 121, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) бир гурух шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан қўрқитиб;

д) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;

г) оммавий тартибсизликлар иштирокчиси томонидан;

д) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; —

е) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

13) **121-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«121-модда. Шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш**

Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш, —

уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

б) яқин қариндошига, собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёхуд умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан;

в) тақроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 128 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

г) оғир оқибатларга олиб келса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

14) қўйидаги мазмундаги **126<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«126<sup>1</sup>-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик**

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргалиқда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқиrlаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), сабиқ хотинини (сабиқ эрини), бир рўзфор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш, ўша харакатлар учун маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), сабиқ хотинига (сабиқ эрига), бир рўзфор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасдан баданга енгил шикаст етказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), сабиқ хотинига (сабиқ эрига), бир рўзфор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасдан баданга ўртacha оғир шикаст етказиш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган харакатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) фаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

з) ўта хавфли рецидивист томонидан;

и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), сабиқ хотинига (сабиқ эрига), бир рўзғор асосида бир-галикда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган дара-жада хунуклашишига сабаб бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) ҳомиладорлиги айбордога аён бўлган аёлга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўта шафқатсизлик билан;

г) ғаразли ниятларда;

д) диний таассублар замирада;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**15) 128-модданинг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн олти ўшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни файритабиий усулда қондириш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг

118, 119, 121 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) яқин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

16) **128<sup>1</sup>-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«128<sup>1</sup>-модда. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш**

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

17) **129-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш, —

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

г) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 128-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

е) яқин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

ж) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**18) 130-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвиirlанган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этиш, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**19) 130<sup>1</sup>-модданинг:**

**номидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар **«Тазиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг диспозициясидаги** «Зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар «Тазиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**20) қўйидаги мазмундаги 141<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«141<sup>3</sup>-модда. Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш**

Шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланфоч ҳолдаги фотова (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиши, —

базавий ҳисоблаш микдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача микдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбордога аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда;

1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **84-модда бешинчи қисмининг 3-бандидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) **325-модданинг биринчи қисми** «141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «141<sup>3</sup>-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 3) **334-модданинг биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4) **345-модданинг бешинчи қисмидаги** «121-моддаси иккинчи қисмида, 122<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар «121-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 122<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 124-моддасида, 126<sup>1</sup>-моддаси бешинчи — саккизинчи қисмларида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127<sup>1</sup>-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128, 128<sup>1</sup>-моддаларида, 129-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 5) **381<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «125, 125<sup>1</sup>, 126-мод-

даларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи қисмида, 128<sup>1</sup>-моддасида, 129-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «125, 125<sup>1</sup>, 126-моддаларида, 126<sup>1</sup>-моддаси биринчи — тўртинчи қисмларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида, 129-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **536-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **537-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **542-модданинг олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **551-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияни» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

#### 10) **562-модданинг:**

**номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияга»** деган сўзлар **«Болалар масалалари бўйича комиссияга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

#### 11) **564-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни болалар масалалари бўйича комиссияда кўришга топшириш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10,

536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-мода, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиялар» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 14-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиялар тўғрисидаги низомда» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идораларо комиссиялари» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **23-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш»;

4) қўйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш**

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқукбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий

равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар — ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болала-ри бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гурух ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига teng жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига teng жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак.

Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди»;

5) **29<sup>1</sup>-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юбориш Ўзбекистон Республикаси фуқаросига алимент тўлаш бўйича мажбуриятларга эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди»;

6) қўйидаги мазмундаги **41<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«41<sup>1</sup>-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш**

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун но-мақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

7) **47<sup>4</sup>-модда биринчи қисмининг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлла-нилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигир-ма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **47<sup>5</sup>-модда биринчи қисмининг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки бир юз йигирма соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлла-нилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигир-ма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

9) қўйидаги мазмундаги **47<sup>7</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«47<sup>7</sup>-модда. Ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги**

Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда ёхуд улар ўз ота-оналиқ мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқ-дорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгани-дан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқ-дорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **52-модда иккинчи қисмининг диспозицияси** «башарти ушбу Кодекснинг 59<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик аломатлари мав-жуд бўлмаса,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) қўйидаги мазмундаги **59<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«59<sup>2</sup>-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик**

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзфор асосида бир-ғаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид хуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашё-ларига қасдан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлифи-нинг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қиммати-ни таҳқирлаш, уларни, кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб кўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа хуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача

миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргалиқда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғликнинг қисқа муддатта ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятигининг унча узоқ бўлмаган муддатта йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

**12) 189<sup>1</sup>-модданинг:**

**номидаги «Зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар **«Тазиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**диспозициясидаги** «Зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар **«Тазиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкциясидаги** «зўравонликни ёки шафқатсизликни» деган сўзлар **«тазиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13) 242-модданинг 3-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) болалар масалалари бўйича туман (шахар) комиссиялари»;

**14) 243-модданинг:**

**номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг»** деган сўзлар **«Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар **«Болалар масалалари бўйича комиссиялар»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15) 245-модданинг биринчи қисмидаги** «40, 41, 42, 43 (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 44, 45, 46, 46<sup>1</sup>, 46<sup>2</sup>-моддаларида, 47-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида, 47<sup>1</sup>, 47<sup>2</sup>, 47<sup>4</sup>, 47<sup>5</sup>, 47<sup>6</sup>, 48, 49<sup>1</sup>, 49<sup>4</sup>, 51<sup>1</sup>, 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup>, 51<sup>6</sup>, 51<sup>7</sup>, 51<sup>8</sup>, 51<sup>9</sup>, 52, 56, 57, 58, 59, 59<sup>1</sup>-моддаларида» деган сўзлар «40, 41, 41<sup>1</sup>, 42, 43 (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 44, 45, 46, 46<sup>1</sup>, 46<sup>2</sup>-моддаларида, 47-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида, 47<sup>1</sup>, 47<sup>2</sup>, 47<sup>4</sup>, 47<sup>5</sup>, 47<sup>6</sup>, 47<sup>7</sup>, 48, 49<sup>1</sup>, 49<sup>4</sup>, 51<sup>1</sup>, 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup>, 51<sup>6</sup>, 51<sup>7</sup>, 51<sup>8</sup>, 51<sup>9</sup>, 52, 56, 57, 58, 59, 59<sup>1</sup>, 59<sup>2</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**16) 247-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«247-модда. Болалар масалалари бўйича комиссиялар**

Болалар масалалари бўйича туман (шахар) комиссиялари voyaga етмаган шахслар содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади, бундан ушбу Кодекснинг 194 ва 194<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган ишлар мустасно. Ушбу Кодекснинг 61, 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>, 125, 125<sup>1</sup>, 126,

127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 183, 185, 185<sup>1</sup>, 220, 221-моддаларида назарда тутилган хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат ўзига мазкур хукуқбузарликлар тўғрисидаги иш келиб тушган орган (мансабдор шахс) уни болалар масалалари бўйича комиссияларга кўриб чиқиш учун топширган ҳоллардагина ушбу комиссиялар томонидан кўриб чиқилади. Болалар масалалари бўйича комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллукли бўлган, ушбу Кодекс 47-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади»;

17) **304-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **80-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **170-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган **«Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ-139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) қўйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг ўн тўққизинчи хатбошиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола** — ота-оналик хукуки-

дан маҳрум қилинганлиги ёки чекланганлиги, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ёхуд муомалага лаёқати чекланганлиги, болани тарбиялашдан ёки унинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганлиги, шу жумладан, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортганлиги ёхуд ота-она қарамоги мавжуд бўлмаган бошқа ҳолатлар сабабли ота-она ёки ягона ота (она) қарамогидан маҳрум бўлган бола»;

2) **10-модда** қўйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кўлланилган жазо чорасидан, судланганлик ҳолати тугатилганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ҳамда ўзига нисбатан амнистия ёки афв этиш акти қўлланилганлигидан қатъи назар, қасдан одам ўлдирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик ёхуд унга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилганлик, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирганлик, худди шунингдек уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фоҳишаҳоналар ташкил этганлик ёки сақлаганлик, терроризм учун илгари ҳукм қилинган шахсларнинг таълим, тарбия, болалар соғломлаштириш, спорт ва ижодий ташкилотларида ишлаши ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек ундан ахборот олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ-263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«болалар масалалари бўйича комиссиялар»;

3) **9-модда:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9-модда. Болалар масалалари бўйича комиссиялар»;**

**биринчи қисмининг биринчи хатбоисидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **12-модданинг олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **14-модда:**

**иккинчи қисмининг учинчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмининг бешинчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмининг биринчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модданинг тўртинчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **24-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбоисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **28-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро

комиссия» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### 11) 29-модда:

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### 12) 30-модда:

**биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**сақкизинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13) 31-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган **«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги ЎРҚ-364-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда) қуидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**1) 7-модда:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги»;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар (шахарлар) ҳокимликларининг болаларни химоя қилиш шуъбалари томонидан — вояга етмаганларга нисбатан»;

**2) 8-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«васийлик ва ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган шахсларни, уларнинг жойлаштирилганлигини ҳамда мол-мулкини ҳисобга олишнинг элекtron ахборот тизимини (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) ташкил этиш ва юритиш тартибини ҳамда унга киритиладиган маълумотлар рўйхатини белгилайди»;

**3) 9-модда:**

**номи ва биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида»;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

**4) 10-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қўйидаги мазмундаги **еттинчи — ўнинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ахборот тизимини юритади;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларни ва уларнинг оиласаларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этади;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш механизмларини яратади ва такомиллаштиради;

оиласа тарбияга олинган (патронат) болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини мониторинг қиласди;

етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўйжой сотиб олиш учун назарда тутилган маблағларнинг тақсимланиши ҳамда уларнинг ўз эгаларига берилиши устидан назорат ўрнатади»;

**5) 12-модда:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12-модда. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатлари»;**

**биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари ўз ваколатлари доирасида»;

**учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар хақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тегишли давлат статистика органига қонунчиликда белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этади»;

**тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади»;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «туман, шаҳар ҳокимига хулоса беради» деган сўзлар «туман, шаҳар ҳокими учун хулоса тайёрлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

6) **13-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат реестрига» деган сўзлар «ахборот тизимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг:**

**номидаги «Давлат реестрига»** деган сўзлар **«Ахборот тизимига»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ва ҳомийлик органлари васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган шахслар тўғрисидаги, уларнинг жойлаштирилганлиги ҳамда мол-мулки ҳақидаги маълумотларни ҳар ойда ахборот тизимига киритади»;

**иккинчи қисмидаги** «туман, шаҳар ҳокимлигини» деган сўзлар «туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг биринчи қисми «маълумотларни»** деган сўздан кейин «ахборот тизими орқали ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **17-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат реестрига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман, шаҳар ҳокимлигига» деган сўзлар «ахборот тизимига киритиш учун улар ҳақиқатда турган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **18-модданинг:**

**номи ва биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«18-модда. Ахборот тизимини юритиш**

Ахборот тизимини туманлар (шахарлар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари юритади»;

**иккинчи қисмидаги** «Давлат реестрига» деган сўзлар «Ахборот тизимиға» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Давлат реестрини» деган сўзлар «Ахборот тизимиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### **11) 20-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш чораларини кўриши шарт.

Ота-она уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетаётганида ўз боласини қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назорати остида қолдириши шарт. Бу холда васийлик ёки ҳомийлик агар боланинг манфаатлари учун зарур бўлса, белгиланади.

Ота-она уч ойдан ортиқ муддатга яшаш жойидан, шу жумладан, чет давлатга вақтинча чиқиб кетишидан камида бир ой олдин ўз боласига васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги аризани ўзи вақтинча ёки доимий яшаётган худуднинг васийлик ва ҳомийлик органига бериши керак.»;

**12) 36-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат реестрига тегишли маълумотларни киритиш учун туман, шаҳар ҳокимлигига» деган сўзлар «ахборот тизимиға тегишли маълумотларни киритиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### **13) 40-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийнинг ёки ҳомийнинг ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминотига доир харажатларининг ўрни васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс маблағлари ҳисобидан қопланади, бу маблағлар етарли бўлмаган тақдирда эса, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг таъминоти учун васий ва ҳомийга қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тайинланиши мумкин».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 1, 5-модда, № 5, 466-модда) **36-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбосидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг»

деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган **«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 5-модда) қуидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоиси** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари»;

2) **9-модда:**

**номи ва биринчи қисмининг биринчи хатбоиси** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9-модда. Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари ўз ваколатлари доирасида»;

**иккинчи қисми** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) комиссиялари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни хам амалга ошириши мумкин».

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-561-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 586-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда) қуидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда:**

**сакизинчи хатбоисидаги** «шилқимлик» деган сўз «шилқимлик, таъқиб этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

**«таъқиб этиш** — жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлиги-

га қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришида ифодаланган хамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган харатклар;

**ўн иккинчи хатбоиси ўн учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**2) 12-модда:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«12-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазийиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари»;**

**биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси»;

**тўртинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказади»;

3) **18-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси»** деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 23-модда:**

**номидаги «ва унинг муддатини узайтириш»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар тазийиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ҳамда тазийиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс бир жойда ишласа ёки ўқиса, тегишли худудда тазийиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан жабрланувчига ҳимоя ордери берилганидан кейин бир иш куни ичida тазийиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг иш ёки ўқиш жойига, агар тазийиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ташкилот раҳбари бўлса, юқори турувчи органга, жабрланувчи ва тазийиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани тақиқлаш тўғрисида тақдимнома юборилади.

Тазийиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ишлаётган ёки таълим олаётган ташкилот раҳбари тақдимномани олганидан кейин, уч иш куни ичida жабр-

ланувчи ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ўртасидаги бевосита алоқани бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади»;

**бешинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**еттинчи қисмидаги** «ўттиз кунгача» деган сўзлар «бир йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «узайтириш» деган сўз чиқариб ташлансин;

**тўққизинчи қисмидаги** «уни берган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) қуидаги мазмундаги **23<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«23<sup>1</sup>-модда. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш**

Тазийқ ва зўравонлик ёки уларни содир этиш хавфи бартараф этилмаган тақдирда, тегишли ҳудудда тазийқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг аризасига кўра, бир иш куни ичida ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш бўйича материаллар тайёрланади ҳамда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома расмийлаштирилган ҳолда жабрланувчининг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юборилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичida ёпик суд мажлисида жабрланувчи ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс ҳозирлигига кўриб чиқилади.

Илтимосномани судда кўришда адвокат этиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳамда тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисига келиши ички ишлар органи ходими кузатуви остида амалга оширилади.

Тазийқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахснинг суд мажлисида узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаганлиги ишни кўриб чиқишига монелик қилмайди. Агар суд мазкур шахснинг судда ҳозир бўлишини шарт деб топса, суд уни мажбуран олиб келиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Судья иш материаллари билан танишиб чиққанидан кейин ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар кўрсатилади:

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар, қарорни қабул қилган

суднинг номи, судьянинг, тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

тазийк ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, машғулотининг тури ҳамда яшаш жойи;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга нисбатан қўлланилган, ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори ўқиб эшииттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва ички ишлар органлари томонидан дарҳол ижро этилади.

Судья тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек ҳимоя ордери талабларини ҳамда уларни бажармаслик оқибатларини тушунтиради.

Қарорнинг кўчирма нусхаси тазийк ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахсига, тазийк ва зўравонликдан жабрланувчига, шунингдек тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга дарҳол топширилади.

Агар улар суд мажлисига келмаган бўлса, қарорнинг кўчирма нусхаси бир сутка ичida почта орқали тарафларга юборилади.

Суднинг ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан тазийк ва зўравонликдан жабрланувчи, тазийк ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс, агар ишда иштирок этган бўлса, уларнинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичida апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиниши унинг ижро этилишини тўхтатиб турмайди.

Ҳимоя ордери талабларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органи томонидан амалга оширилади»;

### **6) 24-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ўн саккиз ёшга тўлмаган, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатлиз деб топилган тазийк ва зўравонликдан жабрланувчига ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик организининг вакили ҳозирлигига кўриб чиқилади»;

### **7) 26-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш масаласини ҳал қилишда, суд мазкур модданинг биринчи қисмida назарда тутилган чекловлардан ташқари қўйидаги чекловларни қўллашга ҳакли:

тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг муайян жойларга боришини тақиқлаш;

наркологик касаллиқдан амбулатория ёки стационар шароитларда даволаниш каби мажбуриятлардан бирини ёки бир нечтасини тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига юклатиш;

тазийқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг жабрланувчи яшайдиган уй-жой майдонидан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш, жабрланувчининг иш жойига ёки у жойлашган бошқа жойларга яқинлашиш ҳуқуқини вақтингчалик чеклаш»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

**учинчи қисмидаги** «биринчи қисмида» деган сўзлар «биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**тўртинчи қисмидаги** «Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани» деган сўзлар «Агар ҳимоя ордерини бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

### 8) 28-модданинг:

**биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсан: «Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчининг вояга етмаган болалари улар билан бирга маҳсус марказларга жойлаштирилиши мумкин»;

### бешинчи қисми

қўйидаги таҳрирда баён этилсан: «Тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланувчиларга, шунингдек уларнинг ўзи билан бирга маҳсус марказларга жойлаштирилган вояга етмаган болаларига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазийқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2019 йил, № 9, 587-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 12, 1187-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсан:

1) **12-модда** қўйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг қўмита фаолияти ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисидаги ахборотини эшитади»;

2) қўйидаги мазмундаги **12<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсан:

**«12<sup>1</sup>-модда.** **Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-

зирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда иштирок этади;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш чораларини кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатларини бериш тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишини ҳамда таҳлил қилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари, шунингдек уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

хотин-қизларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга аризалар (шикоялар) ва даъволар беради;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

зарур холларда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қиласди, ишчи гурухлар тузади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг худудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ-600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар; 2023 йил, № 2, 816-модда) қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсан:

1) **8-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **43-банд** билан тўлдирилсан:

«43) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг худудий

бўлинмалари — хотин-қизларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан»;

2) **10-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **17-банд** билан тўлдирилсин:

«17) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари — хотин-қизларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан»;

3) **12-модданинг 1-бандидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ-798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 10-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда бешинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«суд қарорларини ижро этиш чоғида қонунчиликка риоя этилиши учун масъуль бўлган давлат органлари назорати остида суднинг қонуний кучга кирган қарори бўйича жазо сифатида бажариладиган ишни ўз ичига олмайди»;

2) **422-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар «болалар масалалари бўйича комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

**16-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиқишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсив; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**18-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 7-моддаси 2-бандининг учинчи хатбошиси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 4-банди суднинг ушбу Қонун расмий эълон

қилингунига қадар қонуний кучга кирган қарорига кўра жазони ўтаётган маҳқумларга нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу Конун расмий эълон қилингунига қадар амалда бўлган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 11 апрель,  
ЎРҚ-829-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **120 2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ бўлган оиласларни давлат томонидан манзилли қўллаб-кувватлаш, маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш мақсадида:

1. Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг амалдаги тартибига 2023 йил 1 майдан бошлаб қўйидаги ўзгартиришлар киритилсинки, уларга мувофиқ:

банкларга расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишида уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашнинг муқобил усулларидан фойдаланишга, шу жумладан қарз олувчиликнинг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа харатларини инобатга олувчи скоринг тизимини жорий қилишга рухсат этилади;

банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади;

профессионал таълим ташкилотларининг муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳаларидағи маҳсус фанлар бўйича дарс бераётган ёки ўқув амалиётини ўтказаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталарига имтиёзли шартларда субсидия хабарномаларини бериш тартиби жорий этилади;

уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун олинадиган ипотека кредитлари бўйича берилган субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш муддати 4 ой этиб белгиланади;

2023 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишига доир аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 1 декабрга қадар қабул қилинади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига «Халқпарвар» комиссияларининг ах-

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 апрелда эълон қилинган.

боротига асосан хато ажратилган деб топилган субсидия хабарномаларини дастурий таъминотдан тўғридан-тўғри бекор қилиш ва тўловларни тўхтатиш хуқуқи берилади.

Бунда:

2023 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори 2022 йилда белгиланган миқдорда сақлаб қолинади;

мазкур Фармон қабул қилингунига қадар субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномага эга бўлган шахсларга субсидиялар 2022 йилда амалда бўлган шартлар ва миқдорларда ажратилади.

2. Ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш ҳамда уй-жой қурилишини тезлаштириш мақсадида:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 2028 йил 1 майга қадар қайтариш шарти билан Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз банд паст ставкада ажратилсан;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2023 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан банкларга 3 трлн сўм миқдоридаги маблағларни белгиланган тартибда депозитга жойлаштирсиз.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Давлат бюджети ликвидлигидан келиб чиқиб, ипотека кредитларини ажратиш учун белгиланган маблағлар ҳажми ни оширишга рухсат этилсан.

3. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 500 млрд сўми қурилиш-пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги банкларга пул маблағларини Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз банд паст ставкада жойлаштиради ҳамда банклар қурилиш-пудрат ташкилотларига кредитларни 18 ойгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг фоиз ставкада ажратади.

4. Қўйидагилар:

2023 йилда квартиralар сотиб олиш ва якка тартиbdаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

2023 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ушбу Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рухсат берилсан.

5. Белгилансинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб:

қурилаётган кўп квартирали уй-жойларнинг қурилиши якунланган қис-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мини (қаватларини) банклар томонидан кредит таъминоти сифатида босқич-ма-босқич гаровга олиш амалиёти жорий этилади;

2025 йил 1 январга қадар рўйхати 3-иловада\* кўрсатилган қурилиш материаллари ва хом ашё турларини импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан улушдор-жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштириш тажрибасини давом эттирасин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига Тошкент шаҳрида — 9 ва ундан юқори, бошқа шаҳарларда — 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларда — 5 ва ундан юқори қаватли уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кафиллик ва компенсация тақдим этилади. Бунда:

компенсация — кредит суммасидан қатъи назар ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун кредитнинг 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича тўланади;

кафиллик — кредит суммасидан қатъи назар ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун 2,5 миллиард сўмдан ошмаган микдорда тақдим этилади;

кафиллик ва компенсациялар бериш учун майдони 70 квадрат метрдан ошмаган квартиralар сони қурилаётган уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камидаги 70 фоизини ташкил этиши лозим.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги талабдан келиб чиқиб, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратиб борилишини таъминласин.

7. 2022 йилда «Янги Ўзбекистон» массивларида кўп квартирали уй-жойларни қуриш ҳамда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурлари ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда Марказий банкнинг ушбу вилоятлардаги ҳудудий бош бошқармалари раҳбарларига ҳайфсан эълон қилинганини маълумот учун қабул қилинсин.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Янги Ўзбекистон» массивлари, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жойлар қуришни давом эттириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

2023 йилда «Янги Ўзбекистон» массивларида кўп квартирали уй-жойлар қуришнинг мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

8. 5-иловада\* кўрсатилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларни қуриш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишинча аҳоли пунктлари-

\* 3 — 5-иловадар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг ерлари ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур Фармонга 5-иловада кўрсатилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2024 йил 1 январга қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган сугориладиган ер участкалари майдонининг беш баравари миқдорида янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин. Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

9. «Янги Ўзбекистон» массивларида ички автомобиль йўлларини қуриш бўйича буюртмачи этиб Автомобиль йўллари қўмитаси белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) «Янги Ўзбекистон» массивларида ички автомобиль йўллари қурилишини белгиланган прогноз параметрлар доирасида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирасин.

10. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари (харбий хизматчилар) учун 4 000 та квартира сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2023 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифаларига (харбий хизматчиларга) ипотека кредитларини ажратиш тўрсаткичларини тасдиқласин.

11. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан «Менинг биринчи уйим» дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Менинг биринчи уйим» дастурини тажриба-синов тақиқасида Зангюта тумани «Туркистон» МФЙда амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Зокиров) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Менинг биринчи уйим» дастурини амалга оширишга оид қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

12. 2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Кўйидагилар:

Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов Қорақалпоғистон Республикаси

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринbosарлари билан биргаликда ер участкалари электрон аукцион савдоларига чиқарилишини, кўп квартирали уй-жойлар ҳамда мухандислик-транспорт коммуникация тармоқлари ўз вақтида қуриб битказилишини таъминласин;

Бош вазир ўринbosари Ж.А. Қўчқоров Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри биринчи ўринbosарлари ҳамда Марказий банк худудий бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда ипотека кредитлари ва субсидиялар ўз вақтида аҳолига ажратилиши ва молиялаштирилишини таъминласин, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қурилган уй-жойларни сотишда кўмаклашсин;

Бош вазир ўринbosарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров 2023 йил якунига қадар ҳар ойда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб борсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини назорат қилиш ҳамда ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 апрель,  
ПФ-51-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**121      Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада тако-  
миллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувват-  
лаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бюджет маблағларининг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида ўналтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида фуқароларнинг фаоллигини ошириш ҳамда ўтган давр мобайнида жамланган тажрибаларни инобатга олган ҳолда мазкур жараённи янада такомиллаштириш ҳамда уни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. 2023 йил биринчи мавсум доирасида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида қиймати 1,5 триллион сўм бўлган 1 666 та лойиҳа ғолиб бўлганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил биринчи мавсум доирасида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 1 309 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 1,3 трлн сўм маблағни 1-иловага\*\* мувофиқ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, қўшимча ажратилаётган маблағ 2023 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида режалаштирилган маблағлар ҳисобидан ўналтирилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика бюджетидан маблағларни бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда ўналтириш чораларини кўрсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ қўшимча ажратилаётган маблағларнинг бир ҳафта муддатда Фуқаролар ташабbusi жамғармаларига ўтказилишини ҳамда мазкур жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланишини;

объектларнинг бош лойиҳа-қидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Шаффо қурилиш» миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказиладиган электрон тендер (танлов) савдолари орқали аниқланишини;

ҳар бир лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичлари назорат қилиб борилишини ҳамда лойиҳаларнинг ижроси натижаларига кўра ташабbusкор

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фуқаролар иштирокида уларни қабул қилиб олиш тадбирлари ташкил этилишини таъминласин.

3. Туман (шаҳар) ҳокимлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссиялар 2023 йил биринчи мавсумда ғолиб деб топилган 2 975 та лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини қатъий назоратга олсин. Шунингдек, буюртмачилар томонидан пудратчилар билан шартномаларни расмийлаштиришда:

жихозлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг сўнгги муддати этиб жорий йилнинг июль ойи;

қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг сўнгги муддати этиб жорий йилнинг август ойи белгиланиши назарда тутилсин.

4. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ва Давлат молиявий назорати инспекцияси (Л. Умурзақов)га ташабbusли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

Фуқаролар ташабbusи жамғармаларига маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини назорат қилиш;

ҳар ойда камида бир маротаба барча лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган ишларни жойига чиқкан ҳолда ўрганиш ва уларни доимий назорат қилиб бориш;

қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг якунида қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар «Очиқ бюджет» ахборот порталаига келиб тушган ва ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар таҳлиллари асосида жихозлаш билан боғлик лойиҳаларда кўзда тутилган товар (хизмат)ларни харид қилиш харажатлари 2024 йил учун бюджет сўровида кўзда тутилишига эътибор қаратсин.

6. Белгилансинки, ташабbusли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз ўифириш бўйича ходимларга топширик беришлари тақиқланади. Бунда, мажбурий овоз ўифишига мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари Жамғармага маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда «Фуқаролар ташабbusи жамғармалари» маблағларидан мақсадли фойдаланиши бўйича шахсан масъул эканлиги белгилансин.

8. Ташабbusли бюджетлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, жойларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш ҳамда ушбу жараёнларнинг янада шаффоф ва ҳаққоний ташкил этилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2-иловасидаги чо-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ра-тадбирлар режасида назарда тутилган топшириқлар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ташаббусли бюджетлаштириш жараёни доирасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишида етказиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига З-илювага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев хамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Баш вазир ўринбосари Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 апрель,  
ПҚ-117-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги  
ПҚ-117-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4756-сон қарорига 1-илованинг 13-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

13.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси
		Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти
		Шаффоффлик ва солиқ мақсадларида ахборот алмашинуви бўйича глобал форум
		Пенсия ва ижтимоий жамғармалар халқаро ассоциацияси
		Халқаро ижтимоий таъминот уюшмаси
		».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сон қарорининг 3-бандида:

а) қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоиз қисми ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади»;

б) учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб хисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилдиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-409-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, 2023 йилга мўлжалланган дастурларни ташабbusli бюджетлаштириш жараёнлари орқали шакллантириш, лойиҳалар пакети учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини 8 миллиард сўм этиб белгилаш, дастурларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида 4 триллион сўм, 2023 йил учун истисно тариқасида 2,7 триллион сўм маблағ йўналтириш назарда тутилсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси»нинг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-471-сон қарорида:

а) 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «1 апрелга қадар» сўзлари «1 июнга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-иловада:

4-позициясининг «Ижро муддатлари» устуnidаги «2023 йил 1 март» сўзлари «2023 йил 1 июль» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позициясининг «Ижро муддатлари» устуnidаги «2023 йил 1 апрель» сўзлари «2023 йил 1 июнь» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-иловада:

4-позициянинг «Ижро муддатлари» устуnidаги «2023 йил 1 апрель» сўзлари «2023 йил 1 июнь» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-позициянинг «Ижро муддатлари» устуnidаги «2023 йил 1 март» сўзлари «2023 йил 1 июнь» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**122      Ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида\***

Ижтимоий соҳа обьектларидаги иситиш тизимларининг куз-қиши мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, ушбу обьектларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Андижон вилоятининг Бўстон туманинда 69 та ижтимоий соҳа обьектини иссиқлик энергияси билан таъминлаш давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2023 — 2026 йилларда республика ҳудудларида фаолият юритаётган давлат ижтимоий соҳа обьектларини кўмир ёқилғисига ўтказиш орқали куз-қиши мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ва белгиланган меъёрларда ишлашини таъминлашни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда:

биринчи босқичда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 5 722 та давлат ижтимоий соҳа обьектининг иссиқлик таъминоти тизимларини хусусий сектор иштирокида модернизация қилиш ва бошқариш тизими жорий қилинсин;

давлат ижтимоий соҳа обьектларида мавжуд иситиш тизимларининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларининг барча туман (шахар)ларида ҳамда бошқа вилоятларнинг 2-иловага мувофиқ туман (шахар)ларида давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишлари бошлансин.

3. Қўйидагилар:

Ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш тизими жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат ижтимоий соҳа обьектлари бўйича 2023 йилда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни имзолаш режаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишларини ташкиллаштириш бўйича республика ишчи гурухи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гурухи) таркиби 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 апрелда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Қуйидагилар Республика ишчи гурӯҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимлари учун талаб этиладиган кўмир ва бошқа ёқилги маҳсулотлари билан тъминлашга кўмаклашиш;

ҳар чоракда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва жалб қилинган хусусий шериклар томонидан бажарилган ишлар натижадорлигини ўрганиш ва мунтазам мониторинг қилиб бориш;

давлат ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг лойиҳалар ижроси юзасидан ахборотларини қабул қилиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий материалларни киритиб бориш;

мазкур қарорда кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бориш.

5. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамахмудов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдурахмонов), Намангандарё вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) ва Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х. Бозаров):

бир ой муддатда туман (шаҳар)лардаги давлат ижтимоий соҳа обьектлари бўйича мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов асосида лойиҳа институтларини жалб қилсин ҳамда мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларини хатловдан ўтказган ҳолда нуқсонлар тўғрисида далолатномаларни расмийлаштирун;

жорий йил 1 июнга қадар жалб қилинган лойиҳа институтлари кўмагида туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик таъминоти тизими니 модернизация қилиш лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиб, давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин. Бунда, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш харажатлари ҳудудлар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

жорий йил 1 июлга қадар туман (шаҳар)ларда давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик таъминоти тизими니 модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳаларининг (кейинги ўринларда — Лойиҳалар) концепцияларини тасдиқласин;

жорий йил 1 августдан лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилган ва лойиҳа концепциялари тасдиқланган туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич модернизация қилиш ишларини бошласин.

## 6. Лойиҳаларни амалга оширишда:

давлат шериги этиб — туман (шаҳар) ҳокимликлари белгилансин;

хусусий шериклар — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Конуни талабларига мувофиқ тендер ўтказиш ва (ёки) Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг қарорлари асосида энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали аниқлансан.

7. Белгилаб қўйилсинки, Лойихаларни амалга оширишда қўйидаги вазифа ва мажбуриятлар бажарилиши таъминланади:

а) давлат шериклари томонидан:

давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини хатловдан ўtkазиш, лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўtkазиши таъминлаш;

ложиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиша кўмир ёқилғисида ишлайдиган энергия тежамкор қозонларни ўрнатиш ва объектлардаги ички иссиқлик тармоқларини модернизация қилишни назарда тутиш;

Лойихалар бўйича концепцияларни тасдиқлаш;

Лойихаларни амалга ошириш учун тендерларни ташкил қилиш ҳамда хусусий шерикларни шаффоф ва очик шартларда танлаш;

жалб қилинган хусусий шериклар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларга иситиш объектлари ва тизимларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатда вақтинчалик бепул фойдаланишга бериш;

Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатларда ва миқдорларда йўналтириб борилишини таъминлаш;

хусусий шериклар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини доимий назорат қилиб бориш, натижаси бўйича ҳар чоракда Республика ишчи гурӯхига ахборот бериш;

хусусий шериклар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда битимни бир томонлама бекор қилиш;

б) хусусий шериклар томонидан:

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ижтимоий соҳа объектларининг ички қисмларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати давомида иссиқлик ҳароратини лозим даражада таъминлаш. Бунда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик қуввати ҳисобини юритишнинг онлайн тизимларини жорий этиш бўйича талаб қўйилиши мумкин;

иситиш учун меъёр бўйича талаб этиладиган кўмир ва электр энергияси харажатларини камида 20 фоизга ва иссиқлик энергияси йўқотишларини 30 фоизга камайтириш;

ижтимоий соҳа объектларида Ўзбекистон Республикасида камида бир йил синовдан муваффақиятли ўтган ва хизмат қилиш кафолати камида 15 йилни ташкил қиласидаган қозонларни ўрнатиш;

ўрнатиладиган иситиш қозонларининг сифатини кафолатлаш ва муддатидан олдин яроқсиз ҳолатга келган иситиш қозонларини ўз маблағлари ҳисобидан янгилаш. Бундай ҳолларда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди;

ижтимоий соҳа объектларини иситиш билан боғлиқ барча масалаларни ўз зиммасига олиш.

## 8. Белгилансинки:

Лойиҳаларни амалга оширишда модернизация қилиш ва таъмирлаш харажатлари учун талаб этиладиган инвестиция маблағлари хусусий шериклар ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилади;

хусусий шерикларнинг улуши камида 50 фоиз ва объектларни эксплуатация қилиш муддати 10 йилни ташкил этади;

Лойиҳаларни бошқариш ва эксплуатация қилиш даври давомида хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар 2023 йилда маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар, шунингдек, мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳамда энергия ресурсларини тежаш ҳисобига иқтисод қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик энергияси йўқотишларини камайтириш ва объектнинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари кўзда тутилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимлари ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун масъул ва шахсий жавобгар ҳисобланади.

Туман (шаҳар) ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида хусусий шерикка ўз мажбуриятларини бажаришга ҳар томоннама, шу жумладан кўмир ёқилғисини муддатидан олдин жамлаб кўйишда амалий ёрдам кўрсатсан.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига хусусий шерикларнинг энг мақбул таклифларини танлаб олишда қўйидаги талабларга эътибор қаратиш тавсия этилсан:

хусусий шериклар маблағларининг улуши камида 50 фоиз ва ундан юқори бўлиши;

хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун харажатлар миқдори маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағларга нисбатан кам бўлиши;

хусусий шерикларнинг солик тўловчи сифатида ишончли бўлиши ва охирги йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади 3 млрд сўмдан кам бўлмаслиги.

## 10. Белгилансинки:

Лойиҳалар ҳар бир ижтимоий соҳа обьекти бўйича алоҳида лотга ажратган ҳолда амалга оширилади;

туман (шаҳар)лардаги мавжуд ижтимоий соҳа обьектларининг сонидан, муассасаларнинг олис ҳудудларда жойлашувидан ҳамда ташаббускор хусусий тадбиркорлик субъектларининг таклифларидан келиб чиқиб, Республика ишчи гуруҳи билан келишувга кўра икки ва ундан ортиқ лойиҳаларни бирлаштирган ҳолда лотларга ажратишга рухсат берилади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2023 йилда республика бўйича давлат-хусусий шериклик асосида давлат ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун жами

500 млрд сўм, шундан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун 250 млрд сўм, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятига 50 млрд сўмдан маблағ ажратсин.

Бунда, ушбу харажатлар 2023 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплансин.

12. Иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган (импорт қилинадиган), республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар 2025 йилнинг 1 январига қадар божхона божидан озод қилинсин.

Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамиҳмудов), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М. Юнусов) иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда олиб келинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

13. Электротехника саноатини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гурӯҳ (Д. Султанов) маҳаллий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга:

бир ой муддатда икки хил, жумладан қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсин;

уч ой муддатда соҳадаги мавжуд корхоналар базасида энергия тежовчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган иситиш қозонлари (хар хил ёқилғида ишлайдиган) ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

14. Республика ишчи гурӯҳи (Ш. Кудбиев):

манбаатдор вазирлик ва идоралар томонидан туман ҳамда шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўз тасарруфидаги ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик таъминоти тизими модернизация қилингандан сўнг ечиб олинадиган ва фойдаланишга яроқли бўлган иситиш қозонлари эҳтиёжи мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига беғараз ўтказиб берилишини ташкиллаштиурсин;

уч ой муддатда Энергетика вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа обьектларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назорат тадбирлари ҳар йили ўтказилишини таъминласин.

Бунда, давлат шериги ва хусусий шерик Лойиҳалар учун ажратиладиган

Давлат бюджети маблагларининг мақсадли сарфланиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Лойихалар бўйича тасдиқланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши ва битим шартларига риоя этилиши юзасидан доимий мониторингни амалга ошириб борсин.

Бунда, мониторинг натижасида биринчи марта аниқланган камчиликлар учун йиллик тўлов миқдорини 10 фоизга, иккинчи марта аниқланган камчиликлар учун 20 фоизга камайтириш ҳамда учинчи марта аниқланган камчиликлар учун битимни бекор қилиш каби жазо чораларини қўллаш механизми татбиқ этилсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) тегишли туман (шахар) ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида турли учрашувлар, тематик давра сухбатлари ташкил этсин ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битим лойиҳасини ишлаб чиқиб, барча туман (шахар) ҳокимликларига тақдим қиласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзgartiriш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 10 апрель,  
ПҚ-118-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**123      Кишлөк хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етишириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республикадаги фермер хўжаликлари дала четларидаги ер майдонларини ўзлаштириш, уларда қишлөк хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва уларнинг ишончли харидини ташкил қилиш ишларини тизимлаштириш, ушбу тизимга алоҳида масъул ташкилотни биритириш ҳамда дала чети ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Республикадаги фермер хўжаликларининг дала четларида 58,9 минг гектарга яқин майдонлар бугунги кунда ер эгалари томонидан тўлиқ фойдаланилмаётгани Қишлөк хўжалиги вазирлиги томонидан аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлөк хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлөк хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) фермер хўжаликларининг дала четларини ўзлаштириш, уларда маҳсулотлар етишириш ва етиширилган маҳсулотларнинг ишончли харидини ташкил қилиш вазифаси юқлатилсин.

3. Агентликка:

дала четларида ишларни тўғри ва сифатли ташкил қилиш, ер эгаларига экишдан бошлаб маҳсулотни реализация қилишгача бўлган даврда амалий ёрдам бериш учун 2023 йилда ҳар бир туманга 4 нафаргача, жами 672 нафаргача мавсумий агрономларни ишга қабул қилишга руҳсат берилсин;

Қишлөк хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти бириклирларининг қилинсин.

Агентлик тизимида штат бирликлари доирасида қишлөк хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етишириш тизимини жорий қилишга масъул бўлган директор ўринбосари штати жорий қилинсин.

Белгилансинки, мавсумий агрономларнинг 2023 йилдаги иш ҳақларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар олинган бюджет ссудаси ва қишлөк хўжалиги маҳсулотлари етиширувчиларга берилган кредитлар фоиз ставкаси ўртасидаги тафовут натижасида Агентлик ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. Агентликка бириклирлган илмий-тадқиқот институтларига қўйидаги вазифалар юқлатилсин:

фермер хўжаликларининг дала четларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш, сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ютуқларини ҳар бир худуднинг иқлим шароитларидан келиб чиқиб қўллаш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 апрелда эълон қилинган.

фермер хўжаликларининг дала четларида қишлоқ хўжалиги экинлари-ни етишириш, ҳосилини сақлаш, уларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилишнинг самарали, ўйғуллашган инновацион услубларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир туманда семинар ва тренинглар ўтказиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-113-сон қарори доирасида Агентликнинг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 2023 йилда ажратилиши кўзда тутилган 400 миллиард сўм бюджет ссудаси ҳисобидан 100 миллиард сўм йиллик 10 фоиз ставкада қуидаги мақсадлар учун сарфланиши белгилансин:

дала четини ўзлаштириш ва маҳсулот етишириш учун зарур бўлган уруф, кўчатлар, минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш;

сув билан таъминлаш учун насос ва қувурларни ўрнатишга қарз шартномаси асосида, нақд пул шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дала чети ер эгаларига 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада қарз ажратиш.

Бунда, берилаётган қарз маблағлари олинаётган даромаднинг 50 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Мазкур қарор доирасида Агентлик томонидан талабгорларнинг энг яхши таклифларини танлаш усули орқали қарз маблағлари уларнинг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси тақдим этилгандан сўнг ажратилиши белгилансин.

Агентликка дала четларига кредит асосида насос ва қувурларни ўрнатиб, сув билан таъминлаш чораларини кўриш учун уч томонлама шартнома асосида корхоналарни жалб қилишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Хайтов) қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналарни харид қилишга Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ ажратсин.

Ушбу маблағлар Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан:

қишлоқ хўжалиги корхоналарига 36 ойгача имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада ажратилсин. Бунда, кредит суммасининг 60 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида ўрнатиладиган қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналар олиниши, 40 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида уларнинг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси олиниши белгилансин;

ташаббускорларга қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналар ўрнатиб берилгандан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш шарти билан ажратилсин.

7. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида қи-

лок хўжалиги ерлари атрофида коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд бўлган фермер хўжаликларига зовур сувларида 200 — 250 бошдан ўрдак боқиш ва асалари уяси ташкил қилиш учун йиллик 14 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилсин.

8. Фермер хўжаликларининг дала четида экиладиган экин ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, боқиладиган парранда ва асалари уялари ҳамда совиткичли омборхона ва қуритиш ускуналарини жойлаштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1 — 4.13-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари атрофларидағи қишлоқ хўжалиги экинлари ер майдонларида маҳсулотларни етиштириш учун 5-иловага мувофиқ тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига вазифалар юклатилсин.

10. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2023 — 2025 йилларда Сирдарё вилоятида фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-дренажлар атрофларидағи 500 гектар майдонда ихчам «ижтимоий иссиқхона»ни ташкил қилиб, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари»га киритилган ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга тайёр ҳолда 2,5 сотиҳдан ажратилишини таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «ижтимоий иссиқхона» лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш учун халқаро молия институтларидан 50 млн АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ресурсларини жалб қиласин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Агентлик йил якунига қадар дала четларида ишларни ташкиллаштиришга жалб қилинган мавсумий агрономлар ижобий натижасини таҳхил қилган ҳолда, ушбу тизимни кейинги йилларда ҳам жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига асосланган таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хайтов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

\* 1 — 4.13-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Карор ижросини хар чоракда мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 апрель,  
ПҚ-121-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 12 апрелдаги  
ПҚ-121-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-  
дренажлар атрофларидаги қишлоқ хўжалиги экинлари ер  
майдонларида маҳсулотларни етишириш учун вазирлик ва  
идоралар раҳбарларига юклатиладиган вазифалар**

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Б. Воитов)га:

бир ой муддатда ҳар бир туман бўйича фермер хўжаликларининг дала четидаги ерларини ўрганиб чиқиш;

худудларнинг тупроқ-икълим шароитига мос уруғ ва кўчатлар танлаб олинишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг таклифлари асосида ҳар йили дала четларига экиладиган озиқ-овқат экинларини экиш режасини тасдиқлаш;

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлири ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хайтов), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Х.М. Каримов) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир худудда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тақдимотлар ва семинарлар ўтказиш.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Х.М. Каримов)га:

ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини етказиб бериш;

минерал ўғит ва кимёвий препаратларни ўз вақтида етказиб бериш;

агротехник тадбирларни ташкил қилиш;

етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кафолатли харидини ташкил қилиш.

3. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамроев)га — сув таъминоти оғир бўлган дала четларига ички каналларни ободонлаштириш орқали сув етказиб бериш чораларини кўриш.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва

химояси агентлиги (И.К. Эргашев)га — хар бир ҳудудда зааркунанда ва касалликларга қарши курашиш тадбирлари олиб борилишини ташкил этиш ҳамда асосий экинларга зарар етказадиган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг олдини олиш чораларини кўриш.

5. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хайтов)га — дала четларида етиштирилган кичик ҳажмли маҳсулотларни сақлаш мақсадида қуритиш цехи ва кичик совиткичли омборлар қурилиши учун Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармадан кредит маблағи ажратиш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Б.Т. Норқобилов)га — дала четларида парранда ва ўрдак боқилишини ҳамда асалари уялари ташкил этилишини таъминлаш.

7. Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов)га — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатиш.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Ходжаев)га — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Б. Воитов), Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А. Хайтов) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ва дала четларида экин экиш бўйича яратилган имкониятларни ёритиш юзасидан туркум телекўрсатувлар намойиш этилишини доимий ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 12 апрелдаги  
ПҚ-121-сон карорига  
6-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарорида:

9-банднинг «б» кичик бандида:

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалиги ва томорқа хизмати корхоналари, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қуритиш цехи ва совиткичли омборхоналарни харид қилиш ва ўрнатишга 36 ойгacha имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар бериш. Бунда, кредит суммасининг 60 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида ўрнатиладиган қуритиш

цеҳи ва совиткичли омборхоналар олинади, 40 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида уларнинг қайтмаслик хатарини суурта қилиш бўйича суурта полиси олинади»;

саккизинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб хисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 709-сон қарорига 3-иловада:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси «ҳамда ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерларга» сўzlари билан тўлдирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш — қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларини, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва (ёки) чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик фаолиятини юритиш мақсадларида ижара ҳақи эвазига иккиламчи ижарага олувчига белгиланган муддатга фойдаланиш учун бериш»;

в) 6-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерлар қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва (ёки) чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик фаолиятини юритиш учун юридик ва жисмоний шахсларга ўн йилгacha бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкин»;

г) 8 ва 9-бандлар «Қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкалари» сўzlаридан кейин «, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерлар» сўzlари билан тўлдирилсин;

д) 22-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерларни иккиламчи ижарага берганлик учун ижара ҳақи 1 сўм миқдорида белгиланади»;

е) Қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловадаги Қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш схемасининг 1 ва 2-босқичлари «Тадбирлар» устуни тегишли келишик ва сондаги «қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ер участкаси» сўzlаридан кейин «, ер участкасининг дала четлари, шу жумладан, ички коллектор, рошлар, ариқ бўйларидағи ерларни» сўzlари билан тўлдирилсин.

## УЧИНЧИ БЁЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ  
ҚАРОРИ**

### **124 Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш тартибини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирла- ри тўғрисида\***

Мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган талабларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлиллар ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматларида инсон омилини қисқартириш, фуқароларга масофадан хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали ортиқча оворагарчилик, навбатларни қисқартириш заруратини кўрсатмоқда.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиботларини қисқартириш, ушбу жараёнларни рақамлаштириш орқали фуқароларга соддалаштирилган давлат хизматларини кўрсатишни жорий этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ва уларни янгисига алмаштириш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. 2023 йил 15 апрелдан бошлаб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ҳам ариза берувчиларнинг бевосита иштирокисиз расмийлаштириш тартиби жорий этилсин. Бунда:

миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига ариза берувчиларнинг бош бармоқ изи маълумотлари жойлаштирилади, агар ахборот тизимларида ариза берувчиларнинг бош бармоқ изи маълумотлари мавжуд бўлмаган тақдирда ариза берувчилар ўзларининг имзо намунасини электрон шаклда тақдим этади;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш ҳамда эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш бўйича аризалар ариза берувчиларнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали онлайн тарзда ҳар куни, дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, 24 соат давомида юборилиши мумкин;

янги расмийлаштирилган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини почта орқали олиш имконияти яратилади.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 апрелда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлариға қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тилсин:

назарий ва амалий имтиҳонларни муввафқиятли топширган талабгор-ларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи ёки Давлат хизматлари маркази томонидан мил-лий хайдовчилик гувоҳномаси (алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш) расмийлаштирилиши;

миллий хайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича мурожаатларни ЯИДХП орқали қабул қилиниши ва фуқароларнинг ихтиёрига кўра миллий хайдов-чилик гувоҳномаси почта орқали етказиб берилиши;

фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда бу ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимлари орқали тасдиқланиши.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги исми, фамилияси ва ота-сининг исми ўзгарган шахслар ҳақидаги маълумотларни «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати Ягона авто-матлаштирилган ахборот тизимига доимий тақдим этиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда миллий хайдовчи-лик гувоҳномасига ариза берувчиларнинг бош бармоқ изи маълумотларини жойлаштириш учун Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департа-менти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот тизимини ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларидағи «АДТТ» ва «ШИҚАТ» автоматлаштирилган тизимлари билан интеграция қилсин;

барча тадбиркорлик субъектлари ва Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бў-линмалари томонидан ўтказилган хайдовчиликка номзодларнинг амалий ва назарий имтиҳон натижаларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами асосида ягона электрон маълумотлар базасига киритиш ҳамда маълу-мотларни реал вакт режимида электрон ахборот алмашинуви асосида тақдим этиш имкониятини яратсин;

б) 2023 йил якунига қадар барча мавжуд хайдовчилик гувоҳнома маълу-мотларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган холда рақамлаштириш ишларини якунласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 апрель,  
152-сон

**Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2023 й.**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 12 апрелдаги 152-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гурухларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

44-банднинг «г» кичик бандидаги «(тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади)» жумлалари чиқариб ташлансин;

55-банднинг биринчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Манфаатдор шахс миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини ўзи келиб ЙХХБнинг РвАИОБ ёки Давлат хизматлари марказидан шахсини тасдиқловчи хужжат асосида ўзи олиб кетади ёхуд хоҳишига кўра миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини почта алоқаси орқали олиши мумкин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун хужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти  
воситалари ҳайдовчилигига номзодлардан имтиҳонларни қабул  
қилиш учун хужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолият юритувчи ўқув ташкилотларини тутатган ҳайдовчиликка номзодлар ёки қонунчилик хужжатларида имтиҳон топшириши назарда тутилган ҳайдовчилар (кейинги ўринларда — ариза берувчи)дан имтиҳон қабул қилиш ҳамда миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш юзасидан

хужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қилинганда давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ариза берувчидан имтиҳон қабул қилиш (кейинги ўринларда — давлат хизмати) ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙХХХ) органлари ёки автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга тадбиркорлик субъектлари (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) томонидан кўрсатилади.

Миллий хайдовчилик гувоҳномаларини бериш, алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш ЯИДХП орқали ДЙХХХ органлари ёки Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилади.

3. Миллий хайдовчилик гувоҳномаси — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига белгиланган тоифадаги автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ва эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат хужжати хисобланади.

Миллий хайдовчилик гувоҳномаси ариза берувчига 10 йил муддатга берилади.

Ариза берувчилар миллий хайдовчилик гувоҳномасини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини аниқлаш ва бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 12 апрелдаги 177-сон қарорига мувофиқ бириктирилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига эга бўлишлари зарур.

4. Давлат хизматларини кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловада\* келтирилган схема бўйича кўрсатилади.

## **2-боб. Ариза берувчидан имтиҳон қабул қилиш ҳамда миллий хайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш**

5. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради.

6. Сўровномага илова қилинадиган хужжатларнинг рўйхати кўрсатиладиган хизмат турларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда автомототранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўкув гурухларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўtkазиш ва миллий хайдовчилик гувоҳномасини бериш тар-

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда — Низом) талаблари асосида сўровномани тўлдириш жараёнида автоматик тарзда белгиланади.

Сўровномага талаб этиладиган хужжатларнинг сканер қилинган «PDF» шаклидаги нусхалари илова қилинади.

Ариза берувчи келгусида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришда ўз ихтиёрига асосан идентификацияловчи ID-карта (кейинги ўринларда — ID-карта) ёки биометрик паспортдаги (фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспортидаги ҳам) бош бармоқ изи маълумотидан фойдаланишига рухсат берилади. Агар ариза берувчи ID-карта ёки биометрик паспортга (фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳам) эга бўлмаса, ўзининг имзо намунасини электрон шаклда (компьютер ёки мобил телефон орқали) тақдим этади.

7. Сўровнома тўлдирилиб, тегишли хужжатларнинг нусхалари илова қилинганидан сўнг ариза берувчи маълумотлар тўғрилигини текширади ва имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) тасдиқлайди.

Сўровномалар ҳар куни, дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, йигирма тўрт соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда, сўровномалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушганда, навбатдаги иш куни сўровнома қабул қилинган кун деб хисобланади.

8. Давлат хизматлари кўрсатилиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда — БХМ) 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганилиги учун белгиланган йиғимнинг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Бунда, ундирилган йиғим суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисобварафига;

11,25 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги «Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасининг маҳсус ҳисобварафига;

38,75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ўйл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рафбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси ҳисобварафига ўтказилади;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

9. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган ёки маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, зарур хужжатлар илова қилинмаганда, шунингдек, давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўланмаганда, сўровнома

автоматик равишда рад этилади ҳамда бу ҳақида ариза берувчига онлайн режимида автоматик тарзда электрон жавоб қайтарилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

10. Ариза берувчи томонидан киритилган барча хужжатлар ЯИДХП орқали реал вақт режимида автоматик тарзда ариза берувчи танлаган тегишли ДЙХХХ органига ёки ушбу худудда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектига юборилади.

Сўровномада миллӣ ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштирадиган ДЙХХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ариза берувчи томонидан кўрсатилади.

Ариза берувчи унинг аризаси ДЙХХХ органи ёки тадбиркорлик субъекти томонидан электрон журналда рўйхатга олингунга қадар давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортиш ва тўланган йифим суммасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ариза электрон журналда рўйхатга олинганидан сўнг давлат хизматларидан фойдаланиш рад этилганда, тўланган йифим суммаси қайтариlmайди.

Ариза берувчи томонидан ДЙХХХ органида имтиҳон топшириш назарда тутилганда имтиҳонларда қатнашиш учун қўйидаги миқдорда тўловлар амалга оширилади:

назарий имтиҳон топшириш учун — БҲМнинг 10 фоизи миқдорида;

ҳар бир қайта назарий имтиҳон топшириш учун — БҲМнинг 15 фоизи миқдорида;

автомотранспорт воситаларини, шу жумладан, транспорт воситалари таркибини амалий бошқаришда имтиҳон топшириш учун — БҲМнинг 10 фоизи миқдорида;

ҳар бир қайта амалий бошқаришда имтиҳон топшириш учун — БҲМнинг 15 фоизи миқдорида.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур банднинг биринчи хатбоисида белгиланган йифимнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Ариза берувчи томонидан тадбиркорлик субъектида имтиҳон топшириш назарда тутилганда имтиҳонларда қатнашиш учун тўловлар миқдори тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланади.

11. ДЙХХХ органининг ёки тадбиркорлик субъектининг масъул ходими бир иш қунида имтиҳонларни қабул қилиш учун хужжатларни расмийлаштириш юзасидан:

а) келиб тушган электрон сўровнома ва унга илова қилинган хужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги ва тўлиқлигини, шунингдек, тегишли тўловларнинг тўланганлигини текширади;

б) хужжатлар тўғри ва тўлиқ бўлган тақдирда, уларни алоҳида электрон журналга киритади ҳамда ариза берувчининг назарий имтиҳонга қўйилганлигини қайд этади.

Бунда, келиб тушган сўровнома ва унга илова қилинган хужжатларда

камчиликлар аниқланган тақдирда, уларни электрон журналга киритиш рад этилиб, бу ҳақида ариза берувчига ЯИДХП орқали QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ва масъул ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган хабарнома юборилади ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан батафсил тушунтириш берилади.

Ариза берувчи унинг сўровномаси рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлиб ўттиз иш куни мобайнида ҳужжатлардаги камчиликларни тўғрилаб, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўламаган ҳолда такроран мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Бунда, ЯИДХП орқали ушбу бандда қўрсатилган муддатларда такрорий мурожаатни тегишли ДИҲХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига юборади;

в) келгуси ўн иш куни ичида назарий имтиҳон топширишнинг аниқ санаси ва вақти, шунингдек, имтиҳон топшириладиган тегишли ДИҲХХ органи ёки тадбиркорлик субъекти қўрсатилган хабарномани расмийлаштиради ҳамда уни QR-код (матрик штрихли код) ва ходимнинг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда юборади.

12. Ариза берувчи имтиҳон топшириш юзасидан:

а) ҳайдовчиликка номзодлар шахсини тасдиқловчи ва сўровномага илова қилинган ҳужжатларнинг асли билан бирга хабарномада қўрсатилган тегишли ДИҲХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонда қатнашиш учун етиб келиши лозим, қонунчиликда назарий имтиҳон топшириш талаб этилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно.

Ариза берувчи узрли сабабларсиз белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаган ёки тегишли ҳужжатларнинг аслини тақдим этмаган тақдирда, имтиҳонни қабул қилувчи масъул ходим назарий имтиҳон ўтказилмаганлиги ҳақидаги хабарномани шу куннинг ўзида электрон аризаларни кўриб чиқиш учун масъул ходим (иш жойи)га юборади.

Масъул ходим ариза берувчининг белгиланган сана ва вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаганлиги ёки тегишли ҳужжатларнинг аслини ДИҲХХ органига ёки тадбиркорлик субъектига тақдим этмаганлиги сабабли имтиҳонга қўйилиши рад этилганда, узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар 10 иш куни ичида тақдим этилган тақдирда, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланмаган ҳолда имтиҳон қабул қилиниши мумкинлиги ҳақида QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ва ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда бир иш куни ичида ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда хабарнома юборади.

Ариза берувчи узрли сабабларга кўра белгиланган вақтда назарий имтиҳонга етиб келмаганлиги ёки тегишли ҳужжатларнинг асли тақдим этилмаганлиги ҳақидаги маълумот рад этилишини тасдиқлай олмаса, унинг сўровномаси рад этилади. Бунда, ариза берувчи ушбу Регламентнинг 8-бандида назарда тутилган йиғим суммасини тўлаган ҳолда давлат хизматларидан такроран фойдаланиш хуқуқига эга бўлади;

б) ариза берувчи ДИҲХХ органида ёки тадбиркорлик субъектида ин-

сон омилини истисно этувчи назарий имтихонларни қабул қилиш тизими орқали белгиланган тартибда назарий имтиҳондан ўтган тақдирда, унга дарҳол имтиҳонларни қабул қилиш тизими орқали автоматик тарзда амалий имтиҳонга руҳсат берилади ҳамда икки ойлик муддат ичидаги амалий имтиҳонни топшириши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Ариза берувчи назарий имтиҳондан ўтмаган тақдирда, унга дарҳол имтиҳонларни қабул қилиш тизими орқали автоматик тарзда етти календарь кун ўтганидан сўнг назарий имтиҳонни такроран топшириши мумкинлиги ҳақида маълумот берилади.

Ушбу муддат ўтмагунга қадар имтиҳонларни қабул қилиш тизими томонидан ариза берувчига назарий имтиҳонни топширишга такроран руҳсат берилмайди. Келгуси назарий имтиҳонни топширишда ариза берувчи имтиҳондан ўтмаган тақдирда ҳам имтиҳонларни қабул қилиш тизими автоматик тарзда шу жараённи такрорлайди. Бунда, назарий имтиҳонларни такроран топшириш сони чекланмайди;

в) ариза берувчи инсон омили аралашмаган ҳолда (Низомда белгиланган алоҳида ҳоллар бундан мустасно) сунъий онг орқали баҳоланадиган фақат маҳсус ташкил этилган автодромда белгиланган вақтда амалий имтиҳонларни топширади.

Ариза берувчи назарий имтиҳонни топширганидан сўнг икки ой муддат ичидаги амалий имтиҳонни топшириши лозим. Бунда, имтиҳонларни қабул қилиш тизими автоматик тарзда амалий имтиҳонни такроран топшириш вақтини етти календарь кундан кейинги кунларга белгилайди. Агар ариза берувчи икки ой муддатда амалий имтиҳонни топшира олмаса, имтиҳонларни қабул қилиш тизими автоматик тарзда уни яна назарий имтиҳон топширишга қайтаради.

Назарий ва амалий имтиҳонларни қайта топшириш ушбу Регламент ва Низомда назарда тутилган тартибда қайта топширилади.

13. Ариза берувчининг автомотранспорт воситаларини бошқариш хуқуқини берувчи миллый ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширганини ҳақидаги маълумотлар уни ўтказувчи ДИҲХХ органлари ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиҳонлар топширилган вақтнинг ўзида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот тизимига (кейинги ўринларда — Тизим) киритилади.

Ариза берувчига ЯИДХП орқали миллый ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш учун мазкур Регламентнинг 14-бандида белгиланган ўйғимни тўлаш бўйича тўлов инвойси электрон равишда юборилади.

14. Миллый ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш учун БХМнинг 70 фоизи миқдорида ўйғим ундирилади.

Миллый ҳайдовчилик гувоҳномаси берилганлиги учун ўйғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

15. Йифимлар суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

колган маблағлар қонунчилек ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

16. Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришнинг ҳар қандай босқичида хизматдан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

17. Ариза берувчи хоҳишига кўра, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини почта алоқаси орқали олиши мумкин. Бунда, почта ҳаражатлари ариза берувчи хисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади.

18. Сўровнома унда кўрсатилган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб тушгандан сўнг ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими уни 2 иш соати давомида кўриб чиқади.

Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда ўз ихтиёрига асосан ID-карта ёки биометрик паспортдаги (фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспортидаги ҳам) рақамли суратидан фойдаланишига рухсат беради ёки ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига ўзи келиб суратга тушади.

ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими сўровномадаги маълумотларни Тизимдаги маълумотлар билан солиштиради. Бунда, ариза берувчининг автомототранспорт воситаларини бошқариш тоифаси ҳақидағи маълумотлар миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси бланкасига автоматик жойлаштирилади ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси нашрга берилади ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси тайёр бўлганлиги ҳақида ариза берувчи ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилинади.

19. Қўйидаги ҳолларда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш рад қилинади:

ариза берувчи томонидан сўровномада кўрсатилган маълумотлар нотўғри эканлиги аниқланганда;

ариза берувчининг миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича амалий ҳамда назарий имтиҳонни муваффақиятли топширганлик факти тасдиқланмаганда;

ариза берувчи томонидан тегишли йиғим тўланмаганда.

20. Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш рад этилган кундан бошлаб ўттиз иш куни мобайнинда давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўламасдан кўрсатилган камчиликни бартараф этган ҳолда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

21. Ариза берувчи сўровномада миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг почта алоқаси орқали етказиб берилишини кўрсатган бўлса, ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими нашр қилинган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини почта хизмати ходимига беради.

Агар сўровномада почта хизматидан фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, ариза берувчининг ўзи шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан сўровномада кўрсатилган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб кетади.

22. Почта хизмати ходими тайёр бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олгандан сўнг, ариза берувчи билан телефон орқали боғланиб, сўровномада кўрсатилган манзилга (Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида бир иш куни, қолган ҳудудларда икки иш куни ичидаги) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини етказиб беради.

23. Ариза берувчи билан телефон орқали келишилган вақтда ариза берувчи ушбу манзилда бўлмаса, ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини ушбу ҳудуддаги почта алоқаси бўлимидан ўн иш куни давомида олиши мумкин.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатда ариза берувчи томонидан олиб кетилмаса, почта хизмати ходими миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини уни расмийлаштирган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига топширади. Бунда, ариза берувчининг ўзи шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан сўровномада кўрсатилган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб кетади.

Бунда, почта хизмати учун тўланган тўловлар қайтарилибди.

### **3-боб. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш тартиби**

24. Ариза берувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми ўзгарганда, шунингдек, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ҳамда йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қиласида ёки мустақил тарзда ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

«ФХДёнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими томонидан тақдим этилган исми, фамилияси ва отасининг исми ўзгарган шахслар ҳақидаги маълумотлар Тизимда ўзаро солиштирилади. Бунда, янги намунашаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга шахслар ЯИДХПдаги шахсий кабинетига ёки уларнинг мобил-ID тизимида идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш бўйича хабарнома юборилади.

25. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришида ўз ихтиёрига асосан ID-карта ёки биометрик паспортдаги (фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспортидаги ҳам) бош бармоқ изи маълумотидан фойдаланишига рухсат берилади. Агар ариза берувчи ID-карта ёки биометрик паспорт (фуқаронинг хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳам) эга бўлмаса, ўзининг имзоси намунасини электрон тарзда (компьютер ёки мобил телефон орқали) тақдим этади.

Сўровномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) эски намунашаги ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш бўйича:

эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасининг расми (орқа ҳамда олд томони);

эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси талонининг расми (орқа ҳамда олд томони);

б) йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига янгисини бериш бўйича:

эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва/ёки талонининг расми (орқа ҳамда олд томони) (мавжуд бўлса).

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун фақат сўровнома тўлдирилади.

Ариза берувчи йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига янги гувоҳнома олиш учун мурожаат қилганда унинг автомототранспорт воситасини бошқаришга бўлган ҳуқуқи мавжудлиги ёки бу ҳуқуқдан маҳрум этилмаганини Тизимда тасдиқлангандан сўнг унга шу вақтнинг ўзида тўлов инвойси тақдим этилади.

Агар ариза берувчининг йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақидаги маълумотлар Тизимда аниқланмаганда ариза берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича Низом асосида ДИҲХХ органларига умумий тартибда мурожаат қиласи.

26. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ва уни янгисига алмаштириш учун БҲМнинг 70 фоизи миқдорида йигим ундирилади.

Йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш учун БҲМнинг 1 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилганлиги учун йигим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

27. Йигимлар миқдори ушбу Регламентнинг 15-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

28. Ариза берувчи хоҳишига кўра, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини почта алоқаси орқали олиши мумкин. Бунда, почта харажатлари ариза берувчи хисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади.

29. Сўровнома унда кўрсатилган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб тушгандан сўнг, ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими уни 2 иш соати давомида кўриб чиқади.

Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олишда ўз ихтиёрига асосан ID-карта ёки биометрик паспортдаги (фуқаронинг хорижга чиқиши биометрик паспортидаги ҳам) ракамли суратидан фойдаланишига рухсат берилади ёхуд ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига ўзи келиб суратга тушади.

ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими сўровномадаги маълумотларни Тизимдаги маълумотлар билан солиширади ва маълумотлар тўғри бўлганда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини нашрга беради ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси тайёр бўлганлиги ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи ёки рад этишнинг

аник сабабларини кўрсатган ҳолда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришни рад этади.

Ариза берувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми ўзгарганлиги «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали аниқланади.

30. Қуидагилар миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, йўқолгани ўрнига янгисини беришни рад этиш учун асос бўлади:

миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақидаги маълумотлар Тизимда тасдиқланмаганлиги ёки ариза берувчининг транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум этилганлиги (йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига янгисини бериш бўйича);

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги;

давлат хизматларини кўрсатиш учун йифимни тўламаслик;

илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг сўровномага илова қилинмаганлиги (эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш бўйича).

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, йўқолгани ўрнига янгисини беришни бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

31. Ариза берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, йўқолгани ўрнига янгисини бериш рад этилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида давлат хизмати кўрсатиш учун йифим тўламасдан кўрсатилган камчиликни бартараф этган ҳолда такроран мурожаат қилиш хукуқига эга.

32. Ариза берувчи сўровномада янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг почта алоқаси орқали етказиб берилишини кўрсатган бўлса, ДЙХХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходими босма миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини почта хизмати ходимига беради.

Агар сўровномада почта хизматидан фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, ариза берувчининг ўзи шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан сўровномада кўрсатилган ДЙХХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб кетади.

33. Почта хизмати ходими тайёр миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олгандан сўнг ариза берувчи билан телефон орқали боғланиб, сўровномада кўрсатилган манзилга (Тошкент шахри ва вилоятлар марказида бир иш куни, қолган худудларда 2 иш куни ичидаги) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини етказиб беради.

Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштирилганда почта хизмати ходими эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талонини ариза берувчидан қабул қилиб олади ва уларни ушбу худудга энг яқин ДЙХХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига топширади.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бошқасига алмаштириш ҳамда ариза берувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми ўзгариши сабабли янги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси олинганда, мавжуд ҳайдовчилик гувоҳномаси ариза берувчининг ўзида қолдирилади.

34. Почта хизмати ходими ариза берувчи билан телефон орқали келишилган вақтда ариза берувчи ушбу манзилда бўлмаса, ариза берувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан (эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси

янгисига алмаштирилганда эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳнома ҳамда унинг талони ҳам) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини ушбу ҳудуддаги почта алоқаси бўлимидан ўн иш куни давомида олиши мумкин.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатда ариза берувчи томонидан олиб кетилмаса, почта хизмати ходими миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини уни расмийлаштирган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига топширади. Бунда, ариза берувчининг ўзи шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан (эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштирилганда эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳнома ҳамда унинг талони ҳам) сўровномада кўрсатилган ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари марказига келиб миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб кетади.

Бунда, ушбу холатда почта хизмати учун тўланган тўловлар қайтарилмайди.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

35. Ариза берувчи тайёр бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қабул қилиб олмаган тақдирда, унинг гувоҳномаси архивда икки йилгача сақланади.

Сақлаш муддати ўтиб кетган тақдирда, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда йўқ қилинади.

36. Ҳужжатлар алмашинуvida иштирок этувчи органлар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

37. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талабларининг бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

38. ДИҲХХ органи ёки Давлат хизматлари маркази ходимлари ва мансабдор шахсларининг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.